

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ  
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА  
ЧИҚАДИ

**2018/1**

---

---

---

---

**Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бош муҳаррир:**

**Гуландом БОҶИЕВА**

**Бош муҳаррир ўрибосари:**

**Маҳмуд САЪДИЙ**

**Масъул котиб:**

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ:** Лайло АҲМЕДОВА, Жамила ҒУЛОМОВА, Жамолиддин ЁҚУБОВ, Аббос ИРИСКҲУЛОВ, Шавкат КАРИМОВ, Марк КРОССИ (Британия Кенгаши директори), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэл дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Ҳиндистон), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАҲИМОВ, Шухрат СИРОҶИДДИНОВ, Қосимжон СОДИҚОВ, Илхом ТҲХТАСИНОВ, Шавкат ШАРИПОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Хуршид ДҲСТМУҲАММАД, Дилбар ЖУМАНОВА, Нилуфар ИСОҚУЛОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НОСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Ҳалим САИДОВ, Боқижон ТҲХЛИЕВ, Носир ҚАМБАРОВ, Гули ЭРҒАШЕВА, Венера ҚАЮМОВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Улугбек АКРОМОВ.

**Главный редактор:**

**Гуландом БАКИЕВА**

**Заместитель главного редактора:**

**Махмуд САЪДИ**

**Ответственный секретарь:**

**Каромат МУЛЛАХОДЖАЕВА**

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:** Лайло АХМЕДОВА, Жамила ГУЛЯМОВА, Жамолиддин ЯКУБОВ, Аббос ИРИСКҲУЛОВ, Шавкат КАРИМОВ, Марк КРОССИ (Директор Британского Совета), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэль дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Индия), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАХИМОВ, Шухрат СИРОҶИДДИНОВ, Қасимджон САДИКОВ, Илхом ТУХТАСИНОВ, Шавкат ШАРИПОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:** Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСАКУЛОВА, Носир КАМБАРОВ, Венера КАЮМОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НАСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Халим САИДОВ, Боқижон ТУХЛИЕВ, Гули ЭРҒАШЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Улугбек АКРОМОВ.

**Editor-in-Chief:**

**Gulandom BAKIEVA**

**Deputy Editor-in-Chief:**

**Mahmud SADI**

**Executive secretary:**

**Karomat MULLAKHODJAEVA**

**EDITORIAL COUNCIL:** Laylo AKHMEDOVA, Jamila GULYAMOVA, Jamoliddin YAKUBOV, Abbos IRISKULOV, Shavkat KARIMOV, Shavkat SHARIPOV, Gayrat SHOUMAROV, Mark CROSSEY (Director of the British Council), Abdurakhim MANNONOV, Rafael del MORAL (Spain), Kesava PANIKKAR (India), Rodmonga POTAPOVA (Russia), Ganisher RAHIMOV, Kasimjan SADIKOV, Shuhrat SIRAJIDDINOV.

**EDITORIAL BOARD:** Khurshid DUSTMUKHAMMAD, Dilbar DJUMANOVA, Nilufar ISAKULOVA, Nosir KAMBAROV, Venera KAYUMOVA, Anatoliy LIXODZIEVSKIY, Elmira MURATOVA, Oynisa MUSURMANOVA, Saodat NOSIROVA, Gulchekhra RIKHSIYEVA, Khalim SAIDOV, Ilkhom TUKHTASINOV, Bakijan TUKHLIEV, Guli ERGASHEVA, Gulnoz KHALLIYEVA, Ulugbek AKROMOV.

**Нашр учун масъул: Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА, Эльмира МУРАТОВА**

## Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

### НАВОИЙ ВА ЖОМИЙ ШЕЪРЛАРИДА НАҚШБАНДИЙЛИК МОТИВЛАРИ

Муаллиф Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий шеърларини тадқиқ этиш асносида улардаги ирфоний мазмуннинг нақшбандийлик ғояларига уйғун жиҳатларини аниқлайди. Мақолада ҳар икки шоирнинг ирфоний қарашларидаги ўхшаш ва фарқли томонлар кўрсатиб берилган, далиллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** *Навоий, Жомий, шеърият, ғазал, нақшбандийлик, ирфон, дунёқараш, бадий талқин.*

Автор исследует поэзию Алишера Навои и Абдурахмана Джами, выявляет идеи нақшбандизма в их стихах. Раскрывает похожих и отличительных черт в их взглядах с помощью стихов духовно-просветительского содержания.

**Ключевые слова:** *Навои, Джами, поэзия, газель, нақшбандизм, духовно-просветительское содержание, художественная интерпретация.*

The author explores the poetry of Alisher Navoi and Abdurakhman Jami, and issues the ideas of naqshbandism in their poems. It reveals similar and distinctive features in their views with the help of verses of spiritual and educational content.

**Keywords:** *Navoi, Jami, poetry, ghazal, naqshbandism, spiritual and educational content, literary interpretation.*

Ҳар қандай фалсафий таълимотда дунёни билиш, уни идрок этиш ва таниш муҳим масалалардан. Инсоннинг ўзига берадиган: мен кимман, яшашдан мақсад нима, тирикликнинг мазмун-моҳияти қаерда, дунёни охиригача билиш мумкинми? каби кўплаб саволларни юзага чиқарадиган бундай таълимотлардан бири — нақшбандийлик бир неча асрлар давомида бадий ижод аҳлини руҳлантирди, дунёни зоҳирий ва ботиний мазмунларда англаш ва ташбеҳли тафаккур орқали талқин этиш учун янги имкониятларни вужудга келтирди. Жумладан, ҳазрат Абдурахмон Жомий “Фотиҳат уш-шабоб” девонидаги бир ғазалини Мен кимман? — деган савол билан бошлайди:

*Киям ман? — Бедиле, безътиборе,  
Ғарибе, бенасибе, хоксоре...*

(Мазмуни: Мен кимман? — Бедилман, эътибордан четда қолганман, / Ғарибман, бенасиб ва хоксорман...).

**Каромат Муллахўжаева** — Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фаълари номзоди.

Бу — инсоннинг ўз-ўзига берадиган азалий ва мангу саволи. Ҳомийнинг бу каби саволлари кўп. Унинг ўзига, дунёга берадиган бундай саволлари шеър-га айланган:

*Ҳайрон шудаам, ки майли жон ба тан чист?  
В-андар гили тира ин дили равшан чист?  
Умрест, ки бо ҳазор ман ҳастии ман  
Ман мегўям, вале надонам “ман” чист?*

Деярли кўп ҳолларда шоир саволларига ўзи жавоб топади. Айнан мана бу шеърда дунёнинг таърифини ҳам келтиради:

*Олам ҳама бо ҳаводиси офот аст,  
Манфист, ки ваҳм мекунад, исбот аст.  
Ҳар чиз, ки рангу бўи ҳастии дорад,  
Ё феъли ҳақ аст, ё сифат, ё зот аст.*

Аввалги тўрт мисрада берилган — нафс ва руҳнинг майллари, умуман, инсоннинг кимлигини англаш истагидаги саволларга кейинги икки байтда жавоб топилгандек. Шоирнинг таъкидлашича, дунёнинг ранг-баранг ҳодисалари замирида Ҳақнинг афъоли, сифатлари ва зоти мавжуд. Тажалли назариясига мувофиқ келадиган бундай фикрлар Ҳомий ва Навоий шеърларида кўп учрайди, зеро бундай фикр-қарашлар ҳар икки шоир шеърятининг ирфоний моҳиятини белгилайди. Шу маънода Ҳомийнинг яна бир ғазали эътиборни тортади:

*Най кист?! Ҳамдаме, шудан аз хештан тихи,  
Чун соликон зи сайри мақоматаш оғаҳи.*

Найга нима? деб эмас, ким? деб мурожаат қилаётган шоир, бу матлаъда ҳам инсоннинг, аниқроғи, солиқнинг кимлигини англантиш учун ушбу тимсолга мурожаат қилади. Ҳалолиддин Румийнинг “Найнома”сига битилган шарҳларда най тимсолининг моҳияти ҳақида сўз борар экан, у маншаасидан айрилиб, яна унга интилаётган инсон сифатида тавсиф этилади.

Нақшбандия таълимоти ғоялари билан уйғун Ҳомий ва Навоий шеърларининг ирфоний моҳияти ҳам шу саволларга топилган жавоблардир:

*Нафс қуттоъ ут-тариқи манзилидур бу работ,  
Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.  
Манзил этсанг бу работ ичра иқомат қилмаким  
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур работ, —*

деб ёзади Навоий “Ғаройиб ус-сифар” девонидаги бир ғазалида. Бу унинг дунёга бераётган таърифи. Унингча, бу дунё — нафс қароқчиларининг уйи, у ерни узоқ муддат манзил тутиб бўлмайди, чунки бу ерга келувчилар ўз жойларини ўзгаларга ташлаб кетадилар.

Бу каби шеърларнинг пайдо бўлиши албатта, ижодкор шахси, унинг дунёқараши — борлиқни идрок этиши, замонга муносабати ва, албатта орзу-истаклари билан, айни пайтда замоннинг эҳтиёжлари билан ҳам боғлиқдир. Умуман, бадиий ижод ва муайян фалсафий таълимот ўртасидаги уйғунлик замонунинг маънавиятига келган эҳтиёж ҳамда мавжуд имкониятлар туфайли пайдо бўлади. Шу маънода, Жомий ва Навоий яшаб ижод этган даврга келиб, тараққиёт чўққисига ўтган нақшбандия таълимоти ғояларининг адабиётга кўчиши адабиёт зиммасига катта вазифаларни юклаган. Чунки адабиёт сўзининг ўзагини ташкил этган “адаб” сўзининг маъноси XV асрда “комил инсон” тushунчаси билан баробар эди.

Орифона шеъриятда рамзий тимсолларнинг ўрни муҳим, жумладан, *шам, парвона, баҳр, томчи, қуёш, зарра...* Бу рамзий тимсол ва ташбеҳлардан бири — шам комил инсонга нисбатан қўлланилади. У ўзи ёнса-да, ўзгалар мажлисини, масканини, ёритади. Бу тимсол ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам эътиборида бўлган. “Баҳоуддин Балогардон” китобида шундай сўзлар келади: Айтар эдилар: “Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл. Жомий ҳам шу мазмунни бир байтда ифодалага муваффақ бўлади

*Шамъ шав, шамъ, ки худро сўзи,  
То бад-он базми касон афрўзи.*

Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги мазкур қитъаси эса, инсоннинг комилликка фаолият орқали эришишига ишора этгани ҳолда, нақшбандийлик ғояларига ҳамоҳангдир:

*Камол эт касбким, олам уйидин  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Нақшбандия тариқатининг моҳияти ҳам маърифат, ирфон — инсоннинг ўз-ўзини, дунёни, Оллоҳни таниш, мукамал идрок этиш йўли, унинг мазмуни. Ўзини таниган инсон нафси билан курашиш, уни енгиш йўлига ўтади, дунёни таниган инсон унинг ўткинчилигини англайди, яхши аъмолидан ўзга нарсанинг бу дунёга керак эмаслигини ҳис қила бошлайди. Оллоҳни таний бошлаган инсон руҳининг ўлмаслигига ишонар экан, Ҳаққа яна ҳам қаттиқроқ боғланади. Ушбу тариқат умдаларида баён қилинган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” ва бошқалардан мақсад — солиқнинг — инсоннинг (ғазалда — лирик қахрамон — ошиқнинг) ғафлатдан фориг бўлиши учун, ўзини назорат ва тафтиш қилиш, ўз нафсини, ўзидаги ёмон сифатларни тарк этиб, фазилат эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари, истақларидир. Абдураҳмон Жомий бир ғазалида шундай ёзади:

*Жомий, зи буди худ бигузар дар сафи сагон-ш  
Хилват дар анжуман, сафар андар ватан беҳ аст.*

Нақшбандия умдаларини байтда тўғридан-тўғри қўллаган Жомий биринчи умда ёрдамида Оллоҳга берилган қалб, зоҳир ва ботин масаласига эътиборни қаратса, иккинчи умда востасида инсонни ўз борлиғига сафар қилиш – ўзини тафтиш этиш орқали ўзидан, нафсидан кечиш имкониятларига ишора қилади. Бошқа бир ўринда бу ниятини очиқроқ ифодалайди:

*Аз худ бигусил, Жомий, мезан дари гүмноий,  
К-андар тутуқи ваҳдат бегона туро ёбам.*

Алишер Навоий ғазалларида эса Жомийнинг бу фикрларига ҳамоҳанг байтлар кўп учрайди, жумладан:

*Ўздин қутул, Навоию мақсадга етки, қуш  
Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало..*

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий қарашларидаги бундай уйғунлик, айниқса, нафс ва руҳ муносабатига дахлдор байтларда янада очиқроқ кўринади, бу ҳол икки шоирнинг бир маслақда эканликларидандир.

*Зи шаҳри тан накани дил, ба мулки жон нараси,  
Бар ин жаҳон наниҳи по, бар он жаҳон нараси,  
Ҳазизи(пасти) нафс замини осмон аст зирвон ишқ,  
Ту пойбасти замини, ба осмон нараси.*

Мазкур ғазалда ифодаланаётган мазмун Навоий ғазалларида шундай ривожлантирилган:

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас,  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.*

ёки:

*Табиат чоҳидин руҳингни қутқарким, хуш эрмастур  
Қафас қайди аро булбулға бўлмоқ мубтало асру.*

Жомийнинг ўзи эса бир ғазалини худди шу мазмундаги мақтаа-байт билан яқунлайди:

*Жомий, аз чоҳи табиат бадар о, то бини  
Сарра лав дуллияҳаблул лаъаллаллоҳу ҳабат.*

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, бу икки шоирга Ибн Арабий асос солган ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғоялари ҳам кучли таъсир кўрсатган. Шу боис уларнинг шеърларида бу икки таълимотнинг бир-бирини тўлдириб келганини кўриш мумкин. Нақшбандийлик ғоялари ҳақида гапириш учун ваҳдат ул-вужуд таълимотига мос тимсоллар қобилини очиш, ишораларни тўғри тушуниб етиш зарурати туғилади.

Бу масалалар, уларнинг лирик асардаги муайян жиҳатлари айрим олимларимиз томонидан ўрганилган. Улар орасида навоийшунос олимлар Ёқубжон Исҳоқов, Султонмурод Олимнинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Шундай бўлса-да, бу масалани изчил ўрганишга эҳтиёж бор.

Навоий ва Ҳомийнинг бу мавзу доирасида яратган лирик шеърларини ифода усулига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) тўғридан-тўғри нақшбандия таърифи, унинг умдалари келтирилган байтлар, қитъа ва рубоийлар;

2) нақшбандия таълимоти ғоялари бадий талқин этилган шеърлар. Уларда кўпроқ ҳиммат, қаноат, карам саховат, фанийлик, боқийлик каби масалалар хусусида сўз боради.

Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний”нинг ҳар бир девонига нақшбандийлик тариқатининг муайян жиҳати таърифланган қитъаларни киритганки, уларда нақшбандийлик тариқати умдалари муайян даражада ёритилган.

Агар нақшбандийликда дунёни фалсафий идрок этиш, ижтимоий, ахлоқий тарбиянинг муайян меъёрлари ишлаб чиқилган, деб айтиш мумкин бўлса, Ҳомий ва Навоий шеърлари уларни яна ҳам таъсирчанроқ бир йўсинда – ташбеҳли тафаккур орқали ифодалаб беради. Бу ҳол ўша давр шеърятининг муҳим хусусият ва вазифаларини кўрсатса, иккинчи томондан шеърнинг, умуман, бадий ижоднинг инсон камолоти учун, мукамал жамият яратиш ва комил инсонни тарбиялаш учун нечоғли хизмат қилиши мумкинлигини исботлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураҳмон Ҳомий. Осор. 7-жилд. – Душанбе: Адиб, 1989.
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993.
3. Алишер Навоий. Йигирма жилдлик. – Тошкент: Фан, 1988.
4. Ёқубжон Исҳоқов. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Т., 2002.
5. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Т., 1996.

---



---

## CONTENTS

### LITERARY CRITICISM

<b>Dilmurod KURONOV.</b> Nominative-descriptive potential of the word . . . . .	3
<b>Boynazar YOLDOSHEV.</b> The writer's skill in the literary-critical sphere . . . . .	8
<b>Karomat MULLAKHODJAYEVA.</b> The motifs of Nakshbandi in the poetry of Navoi and Djami . . . . .	12
<b>Elmira MURATOVA.</b> Remembering Percy Bishe Shelley. . . . .	17
<b>Ulugbek ACROMOV.</b> Following J. M.G.Le CLEZIO . . . . .	21
<b>Aziza AHMEDOVA.</b> Universities under microscope: academic novels . . . . .	27

### LINGUISTICS

<b>Dilyaram ASHUROVA.</b> Conceptual metaphor in the literary text . . . . .	32
<b>Oybek AKHMEDOV.</b> The problem of synonymy in the terminology of economy (in the English and Uzbek languages) . . . . .	37
<b>Maysara DANIYEVA.</b> Communicative function of word combination in discourse . . . . .	43
<b>Fazilat KADIROVA.</b> Derivative properties of the terms of design and art (on the material of the English language) . . . . .	49
<b>Nargiza ABDULLAYEVA.</b> Gradonymy in different layers of the language . . . . .	53
<b>Nozimjon ATABOYEV.</b> Application of corpus analysis in teaching foreign languages . . . . .	59
<b>Nilufar MAKHMUDOVA.</b> Category of gradation: philosophical and linguistic aspects . . . . .	65
<b>Feruza KODIROVA.</b> The study of metaphor in the modern paradigm . . . . .	69

### THEORY AND PRACTICE OF TRANSLATION

<b>Ilkhom TUKHTASINOV.</b> Translation as a research object of linguistics . . . . .	74
--	----

### METHODOLOGY

<b>Abduazim SADIKOV.</b> Enhancing interdisciplinary interaction in language teaching. . . . .	79
<b>Mehriniso ABUZALOVA.</b> A new approach to the subject: "Simple form of speech and its types" . . . . .	83
<b>Yelena POPOVA.</b> Using the techniques of the "development of critical thinking" technology in studying the history of the Russian language . . . . .	89
<b>Dilnoza USMONOVA.</b> Problems of teaching a terminological lexicon of the English language . . . . .	96
<b>Munis KHUSANOVA.</b> The content and language integrated learning approach to teaching English . . . . .	100
<b>Kamola MURADKHASIMOVA.</b> The role of international classification in the system of education and evaluation. . . . .	105
<b>Yelena EMIROVA.</b> Possibilities of forecasting on the basis of scientific and unscientific knowledge . . . . .	110
<b>Komila SAIDJONOVA.</b> Role of the verbs in the implementation of complex conceptual structured linguistic units . . . . .	115
<b>Shakhnoza BOBODJONOVA.</b> Some difficulties in creating monological speech skills of the English language learners . . . . .	119
<b>Dilrabo RAKHMATULLAYEVA.</b> The role of the formation of socio-cultural competence in teaching English . . . . .	123

### JOURNALISM

<b>Mansur YUNUSOV.</b> Websites of children's press: innovations and problems . . . . .	128
<b>Madina NURITDINOVA.</b> Classification of multimedia tools in Internet journalism. . . . .	135



**PEDAGOGY. PSYCHOLOGY**

- Nilufar ISAKULOVA.** The peculiarities of using cases in teaching general pedagogy. . . . .140  
**Kamola TASHMATOVA.** Opportunities and challenges of the formation of intangible cultural heritage concepts of the students . . . . .146

**SCIENTIFIC INFORMATION**

- Jaloliddin YODGOROV.** Motivational Integrity in Literary Texts . . . . . 151  
**Dilfuza SAIDKODIROVA.** Metaphorical nomination of the internet terms in the English and Uzbek languages . . . . .155

**SCIENTIFIC LIFE**

- Begam KARAEVA.** To the memory of the great Uzbek poet . . . . .160

*\* Журналдан материаллар кўчириб босилганда «Филология масалалари»дан олингани кўрсатилиши шарт.*

*\* Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.*

*\* «Филология масалалари» филология, педагогика ва психология фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган нашрлар руйхатига киритилган.*

26.03.2018 йили босишга рухсат этилди. Бичими 70×100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Офсет босма. VodoniUz гарнитураси. 10,5 босма табоқ.

Адади 200 нусха. Буюртма № 2.

Журналнинг оригинал макети «ЎзДЖТУ» босмахонасида саҳифаланди ва нашрга тайёрланди.